
Президент фармони амалда: тумандаги эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда

Ўзбекистон туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июль кунги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сонли [Фармони](#)да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича моддий ёрдам маблағлари тарқатилиши бошланди.





2-сектор раҳбари, туман прокурори М.Отабоев бошчилигида ҳудуддан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари иштирокида сектор ҳудудидаги 18 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги “Темир дафтар”га киритилган оилаларга давлатимиз раҳбари Фармонига асосан оиланинг ҳар бир аъзосига 220 минг (икки юз йигирма минг) сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари берилмоқда.





Президент фармони ижросини таъминлаш юзасидан туманнинг қолган секторларида ҳам ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати



2020-08-11 19:29:36